

تازگی یولدوزی

# ТОҒ

№ 8

(6480)  
1992 ЙИЛ,  
1 ФЕВРАЛЬ  
ШАҒБА  
Баҳоси  
5 тийин.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

● Москвалик ўқувчи Мак-сим Казарковский БОЛАЛАР МЕХНАТ БИРЖАСИНИ ташкил этди. У ва унинг тенгдошлари ота-оналарига моддий ёрдам бериш имкониятига эга бўлдилар.

● Тошкентда «Дарсликлар, ўқув методикаларини яратиш, нашр этишни такомиллаштириш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этиш йўллари» мавзuida республика анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги ва республика ўқув-методика маркази ташкил этди.

● «Мен аниқ айтишим мумкин. Собиқ Совет иқтисодиёти, Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётидан 101 йилга орқада бўлган», — деди Нью-Йорк до-рилфунуни профессори Вла-димир Квинт.



## ХАЙРЛИ ИШЛАРГА БОШ-ҚОШ

Улуғ Ватан уруши фахрийлари, йилдан йилга уларнинг сафлари янада камайиб бормоқда. Улар бизга ғаниматдирлар. Фурқат туманидаги 20-мактаб Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси раҳбарви Маҳбубахон Чилматова буни жуда яхши билади. Ўзи бошчилик қилаётган тимурчилар отряди аъзоларига, фахрийларга, кимсасиз қарияларга ёрдам бериш, улар холидан тез-тез хабардор бўлиб туриш фарзандлар бурчи эканлигини доимо уқтиради. Шунинг учун ҳам ҳеч бир ёрдамга муҳтож қария тимурчилар эътиборидан четда қолмайди. Икки йил бурун фахрийлар 17 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунда улардан 14 нафари ҳаётдирлар.

Отряд аъзолари икки гуруҳга бўлиниб ҳаракат қилишади. Бир гуруҳи Шоимбек қишлоғида яшовчи Турсунбой ота ҳамда умр йўлдоши Марям холаларга ёрдамга боришса, бошқа гуруҳ аъзолари эса Булоқбоши қишлоғида яшовчи Умринсо опанинг холидан хабардор бўлиб туришади.

Дадажон  
АБДУРАҲМОҒОВ.



## БИР БОР ЭКАН...

Нурбек ҳақида сўзласангиз албатта, эртачки, деб қўшиб қўйинг. Шундай демасангиз, уни танишмайди. Сабаби Нурбек мактабда энг кўп эртачки биладиган бола. Катта танаффус, дам олиш соатларида у дўстларига ўзбек, жаҳон халқлари эртачкиларидан айтиб беради. Шундан уни «эртачки», дейишади.

Яқинда мактабда «Ким кўп эртачки билади?» конкурси бўлиб ўтди. Ким бўларди, Нурбек голиб чиқди-да. — «Олтин тарвуз», «Сирли туш», «Италия эртачкилари»ни ўқиб чиқдим, — дейди 1-маҳсус иқтидорли болалар мактабининг 5-«А» синф ўқувчиси Нурбек Тошпулатов. — Эртачки ўқишни жуда яхши кўраман. Энди ўзим ҳам кичкина, ибратли эртачкилардан тўқиб кўрмоқчиман.

Эртачки доимо яхшиликка, эзгуликка ундайди. Уни билган зарар қилмайди. Шунинг учун ҳам Нурбек бошлайди.





— Бир бор экан, бир йўқ экан...

Жўраҳон ТОШПУЛАТ  
ўғли.  
Наманган шаҳри.


# НОЛДОУЗИ

РўЗНОМА 1929 ЙИЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН УЧҚУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

ЎЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА  
ЎСМИРЛАРИНИНГ  
РЎЗНОМАСИ



## “ХИНДИСТОН-МЕНИНГ ТАСАВВУРИМДА”



Тошкент шаҳридаги 24-мактабда 1955 йилдан буён ҳинд тили дари ўқитиб келинади. Бу бутун бир тарих. Шу давр мобайнида минглаб болалар бу кўҳна шарқ мамлакатининг нафақат тил-забони, балки урф-одатлари, ўтмиши, қизиқиш ва ҳаёт тарзини ўрганиб келишмоқда.


Бизнинг ҳинд халқига бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз бир томондан уларнинг кино санъати орқали бўлса, иккинчи томондан маросим-одатларимизнинг ўхшашлигидадир. 24-мактаб ўқувчилари ўз мактабларида ҳиндларнинг «Хўли» (ранг), «Девали» (олов) миллий байрамларини ўтказиб туришади. Ҳар йили 26 январь, яъни Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган кунда бу мактаб қопонаси «кичик Ҳиндистон»ни эслагиб юбо-

ради одамга. Ҳар йили ўқувчилар орасида «Ҳиндистон — менинг тасаввуримда» мавзuidaги конкурс шу байрам арафасида ўтказилади. Конкусни тажрибали ўқитувчи Лаофат Тоҳирова олиб бормоқда. Еш қалам-кашлар катта қизиқиш билан шу конкурсда ўзлари чизган расмлари билан фаол қатнашиб келмоқдалар.

Бу йил ўтказилган конкурсда юздан ортиқ ўқувчилар қатнашиб, биринчи ўрин 6-«Г» синф ўқувчиси Р. Қодировга, иккинчи ўрин 5-«Д» синф ўқувчиси Б. Алиевага, учинчи ўрин 5-«Г» синф ўқувчиси Г. Турсуновага насиб этди.

Конкурс қатнашчилари Ҳиндистон ҳақидаги билимларини намойиш этдилар.

Д. АҲМАД суратга олган.







## МАТЕМАТИКА БҲИИЧА

1. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 сонларини квадрат шаклига шундай жойлаштирингки, хоҳлаган томондан санасангиз 15 чиқсин.

2. Қандай тўртта соннинг йиғиндиси ёки кўпайтмаси 8 га тенг.

3. 1 дан 20 гача бўлган сонларни ҳар бир доирага биттадан шундай жойлаштирингки, ҳар бир қатордаги 4 та сон ва 21 нинг йиғиндиси 63 ни ҳосил қилсин.

4. Қизиқарли ҳисоб.  
 $1+2+3+4+5+6+7+8+9+10$ . Бу сонларнинг йиғиндисини қисқа ва тез топиш усулини айтинг.

Азиз ўқувчилар! Эдингизда бўлса, бундан икки йилча муқаддам газетамиз саҳифаларида «АФИМ» мусобақалари эълон қилинар, унинг ҳар бир тур топшириқларини болалар қизиқиш билан кутишар эди. Сизларнинг ака-опаларингиз эса бундай қизиқарли масала ва топшириқларга жавоблар йўллашар эди. Балки ўша пайтларда сизлар ҳам АФИМ дегани нима экан, дея қизиқандирсиз? АФИМ — Аниқ Фанлар Ишқибозлари Мусобақаси демак. Математика, физика, химия каби аниқ фанлар ақлни чархлайди, дарслардан бўш вақтларда қизиқарли мисол ва масалаларни ечиш эса олинган билимларни мустаҳкамлайди.

Бугун аниқ фанлар ишқибозлари мусобақасини яна давом эттириб, унинг I тур саволларини эътиборингизга ҳавола қилишимиз. Саволларга биринчилар қаторида тўғри жавоб йўллаган ўқувчилар голиб деб топилди, номлари газетамизда эълон қилиб борилди.

Қадрли ўқувчилар! Ўзингиз ҳам қизиқарли масала ва топшириқлар тузишга уриниб кўринг. Жавобларингизни кутамиз.

## I ТУР САВОЛЛАРИ

### ФИЗИКА БҲИИЧА

1. Столга бир вақтда танга билан худди шундай диаметри тўғарак қоғозни ясси томони билан ташланг. Улар столга бир вақтда тушадими? Шу қоғозни танга устига қўйиб, яна шундай ташланг. Тажрибадан хулоса чиқаринг.

2. Нима учун муз кўчганда дарёларнинг бурилиш жойларида муз парчалари тўпланиб қолади?

3. Кўча ҳаракати қои-

даларида: «Гражданлар! Яқинлашиб келаётган транспорт олдида кўчани кесиб ўтманг. Транспортни бирдан тўхтатиб бўлмаслигини унутманг» деб ёзилган. Нима учун транспортни бирдан тўхтатиш мумкин эмаслигини тушунтиринг. Жавоблар I мартгача қабул қилинади.

I тур саволларини Тошкент шаҳридаги 249-мактаб ўқитувчилари Шоира МУҲАММАДЖОНОВА ҳамда М. РАЙИМОВА тайёрлашган.



— Албатта, — дейди Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги 6-мактаб муаллимаси Эльмира Раҳматова, — ҳар қандай тарихий асар, ўша тарихий асарни ўқимоқ учун шу давр тилини ҳам мукамал билмоқ керак. Ҳар қандай асарни — илмийми ёки бадийми ўз тилида ўқишга нима етсин. Лекин ҳамма ҳам эски ўзбек имлосида ёзилган асарларни ўқиш имкониятига эга эмас-да. Шунинг учун мактаб дастурига киритилган бир-икки фанлар айна муддао бўлди.

СУРАТДА: муаллима Эльмира Раҳматова ўз ўқувчилари билан машғулот пайти.

Р. ҲУСНУТДИНОВ сурати.

## МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БУЛАЙЛИК

— Дада, 200,000 сўм катта пулни? — сўрайман дамдан.

— Ҳа, қизим, жуда катта пул...

Йиғиб юрган пулларимни санайман 29 сўм 40 тийин. Оз бўлса ҳам, ҳарна ёрдам. Шерзоджонга юбордим. Кечикиб қолмайлик ҳартугул.

Зулфия ҚИРҒИЗБОЕВА, Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси.

Мақтабимиз кашшофлар дўжинаси аъзолари 200 сўм пул тўплаб, Шерзоджонга юбордик.

Е. ХУЖАҚУЛОВ, Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги 23-мактаб кашшофлар етакчиси.

Қадрли исмдошим, Шерзоджон! Соғлигинг ёмонлигидан онам иккимиз қаттиқ ташвишга тушдик. Пахта теримида қатнашиб, ўзим ишлаб топган пулимдан 50 сўм жўнатаяпман.

Дўстинг Шерзод МАНСУРОВ, Қорақалпоғистон жумҳурияти, Тўртқўл туманидаги 1-мактаб ўқувчиси.

Дўстимиз Шерзоджоннинг қайғусини эшитиб, зудлик билан маблағ тўплашга киришдик. Жамланган 72 сўм пулимизни Шерзоджонга юбордик.

Шахло ИБОДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти, Янгиертаб давлат хўжалиги, 33-мактаб ўқувчиси.

## БИЗДАН ҚАЙТМАСА, ХУДОДАН ҚАЙТСИН

ШЕРЗОДЖОН... Бу болакайни ҳозирги кунда жумҳуриятимизда кўпчилик танийди. Унинг дарди меҳр-оқибатли инсонларнинг ҳам дардига айланган. Улар иқтисодимиз, турмуш тарзимиз кундан-кунга қийинлашиб бораётган бир шароитда ҳам, Шерзоджоннинг тақдирига бефарқ қолмай, уни оғир ҳасталикдан қутқариб қолишга интилишмоқда.

Мақтабларни очамиз, конвертлар ичидан эса квитанциялар чиқади. Улар корхона ва муассасалар, мактаблар, дўжиналар, синфлар, ўқувчилар Шерзоджонга соғлиқ тилаб, унинг ҳисобига пул ўтказганликларини тасдиқлайди. Бундай мактублар эса жуда кўп.

— Набирам Шерзоджоннинг ҳисоб жамғармасида 50 мингдан ортиқроқ пул тўпланибди, — дея кўзларида ёш қалқиди. Карим бобонинг (Шерзоджоннинг бобоси), — бунинг учун ҳиммати баланд инсонлардан миннатдорман. Бир йилдан буён шифтга термулиб, нажот истаб ётган набиранинг мунгли кўзларига боқиб нақадар оғир. Набиранинг соғайиши учун ёрдам қўлини чўзаётганлар ҳаққига дуо қиламан. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин...

...50 минг, холос. — Шерзод Шарипов ҳисобига юборилётган пулларнинг кўпчилик қисми етиб келмаяпти, — дейди банк ҳисобчисининг ёрдамчиси Сайёра Қуллєва ташвишли оҳангда. — Болалар пулларни мактублар ичига солиб жўнатишмоқда. Конвертлар эса йўлда очилиб... Сўраб-суриштирларимиз натижа бермаяпти.

Афсуски, эзгулик билан қабоҳат ёнма-ён юраркан. Мактублар очилиб, пуллар йўқоляпти. Дунёда ҳар инсон учун фарзанд азиз. Шерзоджон ҳам бировнинг азиз фарзанди. «Мен ҳам соғайиб кетарминман» деган ягона илинждаги болакайга кимлардир баҳоли қудрат ёрдам қилсалар, кимлардир (бетоб боланинг ҳаққидан кўрқмайдиганлар) чой пули чиқарганликларидан хурсанд.

Қадрли ота-оналар, устозлар, ўқувчилар, ҳимматингизга балли! Шариповлар оиласи сизлардан миннатдор, Карим бобонинг дуои ниятлари ижобат бўлсин. Шерзоджоннинг мунгли кўзларида нур кўрсак деймиз. Савоб ишга қўл урмақчи бўлганларга яна бир бор эслатиб ўтамиз. Пулларингизни

БУХОРО ВИЛОЯТИ, ВОБКЕНТ ТУМАНИ, АКЦИОНЕР ТИЖОРАТ БАНКИ ФИЛИАЛИ 731045 СЧЕТ № 000711909.

ШЕРЗОД ШАРИПОВ ҲИСОБИГА фақат почта орқали юборинг.

Пул ўтказилгани ҳақидаги квитанцияларни эса газетамиз манзилгоҳига жўнатиш. Хабарларингиз саҳифамизда мунтазам ёритиб борилади.

Феруза ЖАЛИЛОВА.



Ойна синдираётган болалар! Балки сиз рўзнонамизни ўқимасиз?! Лекин сизга айтадиган гапимиз бор: шу безориликни қилишдан олдин, унинг оқибатларини бир марта ҳаёлингиздан ўтказинг. Агар ундан кейин ҳам кўнглингиз уни синдиришга чопадиган бўлса, унда биз бу ишда ожизмиз.

Д. АҲМАД суратга олган.

ликлар, Шарқий Осиёдан кўчиб келганлар, немислар ҳам бор уларнинг орасида. Аммо уларнинг тана ранги ва миллатига жиддий эътибор берилмасликка келишилган. Энг муҳими — улар «Акланд Берли»нинг ўқувчилари.

Мақтабдаги муҳит бизнинг мактаблардагига нисбатан жуда эркин: бу ерда ўқувчи ўқитувчининг елкасига ҳазиллашиб, қўл қўйиб турганини ёки ўз ёнига қақирганини кўришингиз мумкин. Ўрнидан туриб саволга жавоб беришни, доскага чиқишни эса ўқувчилар ҳатто ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Ҳеч кимга баҳо қўйилмайди. Фақат кимдир катта бирон кучли қобилиятини намойиш этса, кундалик дафтарига қайд этилади. Мажбурий форма ҳеч қайси мактабларда йўқ.

Ана шундай эркин муҳит дарсларда ҳам «хукморон». Мисол учун математикада. Ўқитувчи уй вазифаларини йиғирма кун олдин беради. Ҳар бир ўқувчи карточкалар билан ишлайди, жавобларини текшириб кўради, уй вазифаларини ўзи танлайди, аммо улар ўз вақтида ўзлаштириб олинган бўлиши шарт.



## БИРИНЧИ МАРТА

### САККИЗИНЧИ СИНФГА

Кўпчилигингиз бошқа мамлакатлардаги мактаблар ва уларда ўқитиш, таълим бериш системасининг қандайлигини билишга қизиқасиз. Шу мақсадда Англиядаги оддий мактабларидан бирида таълим олган москвалик ўқувчи Андрей Сержантовнинг Лондондаги оддий мактаблардан бири «Акланд Берли»даги ўқитиш системаси ҳақидаги таассуротларини сизга етказмоқчимиз.

— Бу мактабда ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар таълим олишади. Уларда ҳам бизники каби ўқитиш бепул. Мактабларда, ҳатто, дафтарларни ҳам бепул тарқатишади. Ўқув дастурлари жуда оғир бўлмаса ҳам еттинчи синфдан бошлаб ҳамма француз тилини, тўққизинчи синфдан эса испан тилини ўрганишади. Фан предметлари ҳам худди бизнинг мактабларникидай. Фақат тарих билан география бирлаштирилиб, «гуманитар фанлар» сифатида, химия, физика ва биология эса «аниқ фанлар» сифатида ўқитилади. Бунга қўшимча ҳафтада икки соат очиқ ҳаводаги жисмоний ўйинлар ҳам ўтилади. Биз учун одат бўлмаган райри-табий — драма ва композиция дарслари ҳам бор.

Дарслар бир соатдан давом этади, танаффус эса бор-йўғи бир марта ўн беш дақиқа давом этади. Кун ўртасида тушлик учун яна бир соат берилади. Хоҳлаганлар уйга бориб ёки мактаб ошхонасида тушлик қилиб олиши мумкин. Нархлар ҳам ҳозир бизнинг нархлар каби «узиб» олади.

Дарслар соат 9 да бошланади. Соат уч яримда эса британиялик барча болалар — унга хоҳ етти, хоҳ ўн етти ёш бўлсин дарслардан озод бўлишади. Эрталаб ва тушдан кейин давомат текшириб борилади. Британиялик болалар ҳафтада беш кун ўқишади. Аммо уларнинг ёзги таътиллари бизникидан анча қисқа — бор-йўғи бир ой. Бундан ташқари улар кўзда, Янги йил ва Пасха байрамида ўн кундан дам олишади.

Андрей таълим олган «Акланд Берли» мактабидаги 8-синфда 18 миллатга мансуб болалар ўқишар экан: ирландлар, хитойлар, африка-

ЧЕТ ЭЛЛИК  
ТЕНГДОШЛАРИНИГ  
ХАЁТИДАН



Умрин аблаҳ кечуруб

ғафлат ила,

Нуқта ўрнигаки

тортар ҳаррос.

Бир эшакдурки,

тағофил<sup>1</sup> юзидин

Қилгай изҳор

паёпай аррос.<sup>2</sup>



### «Умрин аблаҳ кечуруб...»

Нодон ва ярамас кимсаларга юзма-юз келганимизда, кўпинча «аблаҳ» деган сўзни ишлатамиз. Лекин улар нега бундай, бунинг туб сабаби нимада эканлигини унча мушоҳада қилвермаймиз. Инсоннинг онг ва билими нақадар юксалса, у ҳайвонлик хусусиятидан ўшанча узоқлашади. Онг ва идрок тубанлиги эса уни ҳайвонга яқинлаштиради. Англамаслик — фо-

жиа. Тушунмаслик — кулфат. Нафсу ҳирс қафасида яшаш мусибат. Қитъа шулар тўғрисида ҳам фикр кўзгайди. Ва сиз беихтиёр ўзингизча «аблаҳ»ликнинг ўқ илдизини очгандай бўласиз. Аблаҳлик — умрини кулфатда ўтказиш экан. Ғофил бандаларнинг ҳаммаси аблаҳлардир. Ғофиллик уларни эшакка яқинлаштиради. Ғофил киши умр моҳиятини тушунмайди, маъноли фикр ўрнига «ҳаррос» тортади. Мана шу «эшак»лар Ватаннинг шўри. Халқ қадрани ана шу гумроҳлар туфайли шикаст топади.

1. Тағофил — билиб билмасликка олиш, ғафлатда қолмоқ.

2. Аррос — бақиритиш, ариллаш, ҳанграш.

### «Бийик мақомли эл...»

Бийик мақомли эл тифл<sup>1</sup> эканда ҳам бўлмас, Ки тийра<sup>2</sup> қилгай они жаҳлу зулмат аҳли тили. Қамар чарағи агар бўлса борча бир нечаллик, Не навъ ўчиргай они шабпарак<sup>3</sup> қаноти ели. «Бийик мақомли эл». Бу улғу эътиқодли, юксак маслакни одамлар демакдир. Қитъа ана шундай кишиларнинг болаликдаги аҳволи ҳақида. Бу юк эътиқодли шахсларнинг болаликлари ҳам ибратли. Чунки ўша фаслдаёқ уларнинг онги ва руҳи ёришган бўлади. Шунинг учун «жаҳлу зулмат аҳли тили», «тифл эканда ҳам» уларнинг ақлу идрокларини қоронғулаштира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, чинакам инсоний эътиқод нури гўдаклигидаёқ кишини жаҳолат, нодонлик ва ғофиллик зулматларидан муҳофаза қилади. Қитъанинг охириги икки мисрасида келтирилган қиёсий далил ушбу даъвони мантиқан қувватлайди. «Ой чароғининг умри бир нечаллик бўлганда ҳам кўршапалак қанотининг ели унинг нурларини сўндиришга қодир бўлолмайди». Бу фикрдан навбатдаги хулосага келиш мумкин. «Жаҳлу зулмат аҳли» — булар бамисоли кўршапалаклардир. Болаликда имон ва виждони нурланганларнинг покиза диллари эса қамар чароғидай гап. Ҳазрат Навоий шеърда айни шундай қисмат хусусида ўйлаш ва қайғуришга урғу берганлар десак хато бўлмайди.

1. Тифл — бола, ёш гўдак.
2. Тийра — қоронғу.
3. Қамар — ой.
4. Шабпарак — кўршапалак.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ.



Инобат опа ўқувчисининг янги темани тушунган ёки тушунмаганини кўзларидан билиб оладилар. Агар у тушунмаса ҳам «тушундим» деяётган бўлса, албатта, темани бошқа йўллари билан, яна ҳам оддийроқ қилиб тушунириб берадилар.

Дарсликлар жуда ҳам мураккаб эмас, — дейдилар Инобат опа. — Аммо ҳар боланинг қобилияти ҳар хил. Шунинг учун ҳам уларнинг қабул қилишлари ҳам ҳар хил ва уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор бериш керак.


СУРАТДА: Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси Инобат Ғаниева ўқувчилар даврасида. Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

### ЧИГИРИК

Фан олимпиадалари аълочилар билимини «чархлайди». Бундай синовлар мактабимизда одат тусига кирган. «Ўзиники»ни ютиб чиққан болаларимиз туман олимпиадаларига йўлланма олишмоқда. XI синф ўқувчилари М. Исоқова, У. Маъдиев ҳозир вилоят доирасидаги синовларда иштирок этишга тайёрланишмоқда. Бундай синовларда ўзим

ҳам қатнашиб тураман. Адабиёт бўйича туманда ўтказилган олимпиадада биринчи ўринни эгаллаб, вилоят миқёсига чиқдим. Шундай кенг доираларда куч синиши ўзингда бўлган иродани тарбиялаб борар экан.

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ,  
Қизилтепа тумани, 19-мактаб ўқувчилари кўмитасининг раиси.



Қадимда энг бой кишиларни, казо-казо одамларни олиб юрвучи фойтун ва кареталарни киноларда кўргансиз. Яқинда Пушкин шаҳри, Екатеринбург саройи яқинидаги павильонда ана шундай гўзал, Санкт-Петербургда 1860 йилдан бизнинг асримизнинг 20-йилларига қадар фойдаланилган кареталарнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Реставратор» ишлаб чиқариш илмий-таъмирлаш бирлашмаси ходимлари уларнинг ўз давридаги гўзаллиги, виқорини қайтариш учун барча тажрибаларини ишга солишди.

СУРАТДА: кўргазма залида.

СИТА сурати.

Ғиждувон туманида Насрулло ака Ҳамроевни танимаган, уни яхши кўрмайдиган болакай топилмаса керак. Нима учун дейсизми? Чунки Насрулло ака кўғирчоқбоз. Ота-боболари касбқори, аъналарининг давомчиси Насрулло ака кўғирчоқбозлик санъатини ривожлантириб келмоқда.

Дастлаб осон бўлмади. Ўзи кўғирчоқлар ясаб, ўзи уларни «тилга киритди». Кейинчалик эса шогирдлари сафи кенгая борди. Ҳозирги кунда Насрулло ака раҳбарлигида халқ театри ташкил қилинган. Болакайларнинг сеvimли меҳмонига айланган театр

### КЎҒИРЧОҚЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

жамоаси доимо улар даврасида. Бугун Ғиждувон туманидаги Ленин, Чкалов номли мактабларда, томошалар намойиш этишса, эртаси кун Султон Жўра, Охунбобоев номидаги мактабларда, болалар богчаларида қувноқларга қувонч улашадилар. «Қачалполвон қизиқчи!», «Лақма лайча» каби асарларни саҳналаштириб, кўғирчоқларни моҳирлик билан тилга киритаётган Насриддин Ярашев, Шокир Ҳамроев, Моҳира Шодиева, Шариф Бобоқулов каби актёрлар кичкинтойларнинг сеvimли қаҳрамонларига айланиш-

ган. Болакайларнинг самимий олқишлари эса театр жамоаси учун муносиб тақдир.

Шу кунларда халқ театри жамоаси Самарқандда бўладиган кўғирчоқ театрлари кўриктанловига қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Унутилаёзган миллий аъналаримиз давомчилари бўлмиш кўғирчоқ театри жамоасини баҳордаги ilk қалдирғочга қиёслагим келади. Уларга улкан парвозлар тилаб қоламиз.

Содиқ ЮНУСОВ,  
Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, С. Айний номидаги жамоа хўжалиги.

### КИМГА КРАН, КИМГА ТРАКТОР?

Қишлоғимизнинг қиёфасини яхшилаш учун кейинги йилларда бир қанча қурилиш ишлари олиб борилди. Шуниси қизиқки, ҳар бир қурилишдан кейин унинг ўрнида бирон техника «эсдалик» учун қолиб кетади.


Қишлоғимиз ёнидан оқадиган канал атрофида бир неча йиллардан буён битта кран туради. Унинг қачон қолиб кетганини эслаш қийин. Кимгадир керак бўлганми трос, ричаглари, ҳатто, устидаги темирларини ҳам ечиб олиб кетишган. Худди шунга ўхшаш яна битта кўтарма кран яқин вақтлардан бери пайдо бўлиб қолди. Кишилар ҳали унинг ҳамма нарсасини олиб кетишгани йўқ. Аммо унинг тақдири ҳам «сафдоши»ниқидан қолишмаслиги аниқ. Битта автокран, унинг ёнида занглаб ётган «ЭСТА» трактори ҳам шу аҳволда.

Уйимизнинг ёнида бир вақтлар цемент заводи ишлаб турарди. Яқиндан бошлаб завод ишдан тўхтади. Ишчилар тахта, тунукаларини кўчириб кетди-ку, аммо темирлари яна қолди. Катталарнинг суҳбатидан бу завод Иштихон туманидаги 6-сон ПМКга қарашли эканлигини билиб олгандим. Мени таажжублантирадигани, наҳотки шунча металл ҳеч кимга керак бўлмаса?

Деярли ҳамма газеталар, телевизор радиоларда хом-ашё етмаслиги сабаб завод ва комбинатлар тўла кучда ишлашмаётгани ҳақида хабарлар берилмоқда. Ахир бузилган техникадан фойдаланилмаса, уни хом-ашё сифатида ишлатиш мумкин-ку!

Нега мактабдошларинг билан уни металл-ломга топшира қолмайсан, деяётгандирсиз. Бунга кучимиз етмайди. Машина ҳам йўқ. Агар шунча хом-ашёга эга бўлишни истаган корхоналар бўлса, бизга машина юборишсин. Жон, деб ортиб юборамиз. Манзилгоҳимиз эса қуйидагича: Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Бобур давлат хўжалиги, Қорақие қишлоғи.

Фахриддин МАҲМУДОВ.



КАТТАЛАР,  
ЭЪТИВОР  
БЕРИНГ!